

## ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ

**Бакиева И.А.**

*ТДИУ Инсон ресурсларини бошқариш  
кафедраси доценти, и.ф.н.*

**Аннотация.** Мақолада хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги ҳолати ўрганилган, меҳнат органлари томонидан уларга кўрсатилаётган хизматлар бўйича фикр билдирилган, аёллар иш билан бандлигини оширишдаги тўсиқлар аниқланиб, муаммони ечими бўйича айрим амалий таклифлар берилган.

**Таянч иборалар.** Меҳнат бозори, аёллар бандлиги, аёллар ишсизлиги.


**Кириш.** Мамлакатимизда хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса Covid-19 пандемиясининг салбий оқибати натижасида жойларда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган, иш билан таъминланмаган аёлларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан яқка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш ва манзилли қўллаб-қувватлаш чоралари изчил давом эттирилмоқда. Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёллар бутун аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этмоқда, уларнинг сони йилдан-йил кўпайиб бормоқда. Шу сабабли аёллар иш билан бандлигининг ўзига хос фарқли жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг иш билан бандлигини ошириш билан боғлиқ вазифалар ечимига алоҳида эътибор қаратиш долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Президент Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган республикада ижтимоий йўналишдаги ривожланиш стратегияси ва Юртбошимизнинг хотин-қизлар иқтисодий фаоллигини оширишга оид асарлари, Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар бандлигини ошириш бўйича қарорлари ҳамда хорижлик ва ватанимиз олимлари олиб борган илмий ишлар тадқиқот методологияси бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, INTERNET ресурсларига таяниб, статистик-иқтисодий, таққослаш, тизимли таҳлил усуллари ёрдамида тадқиқот олиб борилди.

**Тадқиқот натижалари.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-илоvasида келтирилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, касб-хунарт коллежи битирувчи қизларининг бандлигини

таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш”<sup>25</sup> вазифаси белгиланган. Худудларда ташкил этилаётган янги иш ўринлари асосан эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ таълим муассасаларининг битирувчиларига, аёллар ва ногиронлиги бўлган аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож тоифаларини ишга жойлаштириш учун ажратилади.

**Таҳлиллар.** Меҳнат бозорида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш чора-тадбирлари долзарб бўлмоқда (1-расм).



**1-расм. Меҳнат бозорида аёлларнинг иқтисодий ҳолати (2020 йил бошига)<sup>26</sup>**

Хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги ҳолати бўйича маълумотлар таҳлили натижасида 2020 йил бошида уларнинг бандлик даражаси фақатгина 35,9 фоизни ташкил қилгани ҳолда республика бўйича жами ишсизларнинг 56 фоизини ташкил қилганлиги ҳамда уларнинг ишсизлик даражаси 12,8 фоиз бўлгани аниқланди. Айниқса, 2020 йилнинг бошида Covid-19 пандемиясининг тарқалиши натижасида Ўзбекистонда 2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишсизлик даражаси кескин ошиб, 13,2 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга аёллар ўртасидаги ишсизлик даражаси ҳам ортиб 17,4 фоизга етди.

Пандемия тарқалишига қарамасдан, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда фаоллигини ошириш бўйича республикада тегишли чора-тадбирлар олиб борилиши натижасида уларнинг иқтисодий фаоллиги ошмоқда (1-жадвал).

2020 йилда иш излаб худудий бандлик органларига мурожаат қилганларнинг 49 фоизи аёллардан иборат бўлди ҳамда жами кўрсатилган хизматларда аёллар улуши 53 фоизни ташкил қилди. Худудлар кесимида ўрганилганда, меҳнат органларига энг кўп мурожаат қилганлар Бухоро (60%), Наманган (56%) ҳамда Андижон (55%) вилоятлари аёллари бўлган. Шу билан

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонида 1-илова “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. <http://strategy.gov.uz> – 11 Б.

<sup>26</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

бирга аёлларнинг энг кам мурожаатлари Сирдарё (31 %), Самарқанд (45 %) ҳамда Жиззах (46 %) вилоятларида кузатилди. Мурожаат қилган аёлларга кўрсатилган хизматларнинг юқори улуши Андижон ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келиб, улар мос холда 57 ва 55 фоизни ташкил қилган.

**1-жадвал**

**2020 йилда ҳудудий бандлик органлари томонидан аёлларга кўрсатилган хизматлар ҳажми<sup>27</sup>**

Т/Р	Ҳудуд ва вилоятлар номи	Мурожаат	шундан аёллар	Жами мурожаат қилганларга нисбатан аёллар улуши, %	Жами кўрсатилган хизматлар	Шундан, аёллар	Жами кўрсатилган хизматларда аёллар улуши
<b>Жами</b>		<b>823 832</b>	<b>405 677</b>	<b>49</b>	<b>1 179 979</b>	<b>628 972</b>	<b>53</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	73 723	37 508	51	106 112	55 495	52
2	Андижон	76 540	41 811	55	100 978	57 249	57
3	Бухоро	47 908	28 630	60	63 131	34 379	54
4	Жиззах	43 922	20 411	46	90 434	48 573	54
5	Қашқадарё	54 125	27 690	51	76 387	42 067	55
6	Навоий	27 091	13 470	50	43 532	23 516	54
7	Наманган	83 137	46 932	56	112 976	58 329	52
8	Самарқанд	66 344	29 891	45	86 584	40 984	47
9	Сурхондарё	58 149	29 784	51	86 938	46 368	53
10	Сирдарё	52 689	16 363	31	84 404	43 481	52
11	Тошкент	65 632	34 371	52	85 993	47 275	55
12	Фарғона	84 430	37 167	44	120 628	65 685	54
13	Хоразм	65 008	29 194	45	90 402	49 353	55
14	Тошкент шаҳри	25 134	12 455	50	31 480	16 218	52

Шу ўринда, кўрсатилган хизматлар сони мурожаатлар сонига нисбатан юқорилигини кўриш мумкин, бунга асосий сабаб пандемия оқибатида меҳнат бозорида юзага келган тангликни олдини олиш мақсадида аҳолини, шу жумладан аёлларни ижтимоий қўллаб қувватлаш учун меҳнат органлари томонидан 6 турдаги хизматларни кўрсатиш йўлга қўйилган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан бир қаторда Республика Ҳотин-қизлар қўмитаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва бошқа турли ташкилотлар томонидан хотин-қизларни меҳнат бозорида талаб юқори касб-ҳунарларга тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш, уларнинг муносиб иш топишига кўмаклашиш, бунинг учун нафақат давлат таълим муассасалари, балки мингдан зиёд нодавлат касб-ҳунар таълими марказларини ҳам жалб қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу

<sup>27</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

борада мутлақо янги тизим жорий қилиниб, нодавлат касб-ҳунар таълими марказлари орқали аёлларда касбий кўникмаларни шакллантирилиши ҳам йўлга қўйилди.

Жумладан, 2020 йилда 52217 нафар фуқаро касбга ўқитишга юборилган бўлса, улардан 69 фоизи хотин-қизларни ташкил қилган. Республикада иш излаётганларни жамоат ишларига жалб этиш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, йил давомида жами 521732 нафар фуқаронинг бундай ишлар билан бандлиги таъминланган. Улардан хотин-қизлар улуши эса 53,4 фоизни ташкил қилган. Натижада 2020 йилда республика бўйича жами 181107 нафар аёллар ишга жойлаштирилди.

Бироқ, олиб борилаётган фаол чора-тадбирларга қарамасдан хотин-қизларнинг иш билан банд бўлишида ижтимоий-психологик, иқтисодий-молиявий ҳамда ташкилий тўсиқлар учраб турибти. Бу тўсиқлар қишлоқ жойларда аёлларнинг фаол ижтимоий фаолиятининг ҳали-хануз қабул қилмаётганлиги, меҳнат бозорида гендер тенглиги концепцияси бирдек амал қилинмаётганлиги, аёлларнинг маълумот даражаси ва касбий кўникмаларини ривожлантириш имкониятларининг пастлиги, маълум бир тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган аёлларда бошланғич капитал етишмаслиги каби муаммолар мавжуд. Бундан ташқари, чекка ҳудудларда маиший хизмат муассасалари йўқлиги ва болалар боғчалари етишмаслиги туфайли аёлларнинг ижтимоий меҳнат билан бандлиги паст даражада бўлмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.** Республикада иш берувчилар билан иш билан банд ва ишсиз аёллар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, уларнинг меҳнат бозоридаги ўрни ҳамда мавқеини аниқлаш, иқтисодий ривожланишнинг ҳудудларда аёллар иш билан бандлигига қандай таъсир кўрсатаётганини аниқлаш зарурати мавжуд. Хотин-қизларни иш билан бандлигини таъминлаш учун мақсадли дастурни ишлаб чиқиш, айниқса, уни ишлаб чиқишда ишсиз аёлларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиш асосида олинадиган ахборотлардан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини беради деб ҳисоблаймиз.

Хотин-қизларнинг меҳнат ва оиладаги фарзандлар тарбиясини биргаликда олиб боровчи ижтимоий-иқтисодий ва тарбиявий хусусиятлари жамиятда шаклланувчи ишлаб чиқариш муносабатларига алоҳида ёндашув талаб этилади, бунда иш билан бандлик ва ишсизликдан ҳимоя қилиш сиёсатини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Республикамининг иқтисодий ҳудудларида, кичик бизнес корхоналари ва оилавий тадбиркорлик объектларида тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан янги иш жойларини яратиш, қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш, касаначиликда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича иншоотларни хорижий инвестициялар ҳисобидан яратиш сингари тадбирларни изчил давом эттириш аёллар учун янги иш ўринларини яратишнинг молия-кредит тизими самарадорлигини ошириш имконини беради.

Аёлларни айниқса, меҳнат бозорига биринчи бор кириб келаётган қизларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда аниқ тартибларни белгилаш орқали ўз иш ўринларидаги қўнимлилигини таъминлаш, уларни касбий фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялаш ҳамда бу борада иш берувчилар маъсуллигини ошириш мақсадга мувофиқ. Бундай воситалар эса аёлларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари, самарали иш билан бандликларини таъминлаш имконини беради.

Иқтисодиётда аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш учун куйидаги амалий таклифлар илгари сурилади:

- инновацион ва устувор соҳа фаолияти учун меҳнатга лаёқатли аёлларни тайёрлашга ва қайта тайёрлашга давлат буюртмаси тизимини ташкил этиш;

- аёлларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун бевосита ва билвосита имтиёзлар яратиш;

- маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш асосида қишлоқ хўжалиги бўлмаган янги иш жойларини яратиш йўли билан хотин-қизларга талабни ошириш;

- ҳудудларда инфратузилмани ривожлантириш орқали меҳнат бозорида аёллар иш билан бандлигини оширишга ўз таъсирини ўтказди. Шунинг учун муаммони ечимини ҳал этишда ҳудудлардаги инфратузилмани ривожланишига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ;

- меҳнат бозорида аёллар иш билан бандлигини оширишда эгиловчан меҳнат графикларини жорий этиш, иш берувчиларнинг масофадан ишлаш, касаначилик меҳнати каби иш жойларини ташкил этишларини янада рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:***

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бефта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». // Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.*

2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони*

3. *Абдурахманов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти” (назария ва амалиёт). Дарслик. – Тошкент: “Меҳнат”, 2019. -598 б.*

4. [www.mehnat.uz](http://www.mehnat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги сайти

5. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитасининг сайти